

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам халодан чиққанларида «Ғуфронака», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

«Ғуфронака»нинг маъноси «Мағфират қилишингни сўрайман»дир. Киши халодалик вақтида ғафлатда бўлиши эътиборидан, ундан чиққанида шу иборани айтади.

Таҳоратни тамомлаганидан сўнг қуйидаги ҳадисда келган дуони ўқийди.

دَحْأَمْ كُنْ مِمْ «: لَاقِ مِلْسُو هِلْع لَلِ لَصِيْبِ لَلِ نَعُ، نَعُ لَلِ لِي ضَرَرَمْ عُنْ ع
لَلِ لَلِ لَلِ نَأْ دَشَأْ؛ هِئُ وُضُوْ نَمْ عُرْفِي نِيْحُ لُوقِي مَثْ ءُ وُضُوْ لَأْ نَسْحِيْفُ أَضْوَتِي
نَجْ لَأْ بَأْوَبَأْ هَلْ تَحْتُفُ لَأْ؛ هَلْ وُسْرُوْ هُدْبَعُ أَدْمَحْمُ نَأْ دَشَأْ أُوْ، هَلْ كِيْرَشُ لَأْ؛ دَحْ و
مُ هَلْ لَأْ»؛ يَذْمُرُ لَلِ دَارُوْ. يِرَاحُ لَلِ لَأْ؛ هَلْ سَمَحُ لَأْ هَأُوْرُ. «ءَأَشْ أُوْيَأْ نَمْ لُحْدِيْ ةِيْ نَأْمُ ثَلِ
«نِيْرَهَطُ لَلِ نَمْ يِلْعُجُ أُوْ نِيْبَأْوَتِ لَلِ نَمْ يِلْعُجُ».

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар сизлардан бирортангиз таҳорат қилса-ю, таҳоратини яхшилаб қилса, сўнгра таҳоратидан фориғ бўлишида «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу. Ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва Росулуҳу», деб айтса, албатта, унга жаннатнинг саккиз эшиги очилур ва у хоҳлаганидан кирур», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Термизий эса:

«Аллоҳумма! Ижъалнии минат таввабийн ва ижъалнии минал мутатоҳҳирийн»ни зиёда қилган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Мени кўп тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қилгин».

Уламоларимизнинг айтишларича, таҳорат қилиб, аъзоларни турли кир ва ифлосликлардан поклаб бўлгандан кейин шаҳодат калималарини айтиш Аллоҳга ихлос ила амал қилганликка ва қалбнинг риё ва ширклардан пок бўлганига ишорадир.

